



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

9 февраль 1971 йил, сешанба

№ 33 (14.803). Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ
XVIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА
СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ
КЕНГ ҚИЗИТАЙЛИК



Янгийўл шахридаги пойфазал фабрикасининг пешкадам ишчиси ўртоқ
Я.М. Рибчинова тежамкорликка риоя этиб, ҳар ойда кўплаб чарм
иқтисод қилиб қолмоқда. У ўз зиммасидаги топшириқларни доимо оши-
риб адо этмоқда.

А. Тўраев фотоси.

Шонли ишчилар синфимиз КПСС XXIV съезди шарафига зиммасига улкан мажбуриятлар олиб, шу кунларда зарбдор меҳнат вахтасида туриб фидокорлик намунасини кўрсатмоқда * Колхозчи деҳқонларимиз тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга бел боғлаганлар. Улар кўклам экиш кампаниясига бутун куч ва техника воситаларини шай қилиб қўймоқдалар * Ишчилар синфи ва деҳқонларимизнинг бугунги шиори — «Съезд олди ҳар бир кун — зарбдор меҳнат вахтасидир». Бу шиор — республикаимиз меҳнат аҳлининг қатъий қарори бўлиб қолсин.

МУКОФОТ МУБОРАК, САМАРҚАНД!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

САМАРҚАНД ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хўжалик ва маданий қурилишда, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш юзасидан беш йиллик план топшириқларини бажаришда шаҳар меҳнаткашлари эришган катта муваффақиятлар учун Самарқанд шаҳри Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 5 февраль.

САМАРҚАНДА ТАНТАНА

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» муҳбири). Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандни Ленин ордени билан мукофотлаш ҳақидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармони бутун шаҳар аҳлини беҳад хушнуд қилиб юборди. Саноат корхоналарининг ишчилари, хизматчилари, шаҳар меҳнаткашлари, Самарқанднинг ёш-кексалари, Самарқанд радио катнашлари орқали бу хушxabарни эшитиб беҳад қувондилар.

Кунинг иккинчи ярмида шаҳар саноат корхоналарининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, партия ва Совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари Самарқанд опера ва балет театри биносига тўпландилар.

Самарқанди Ленин ордени билан мукофотлашига бағишланган тантанали митингни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Хайтов очди. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. Азимовнинг таълифига буювча митинг фахрий президиумига КПСС Марказий Комитети Сийёси бюроси аъдллик билан сайланди.

Яқинда, дейди митингда сўзга чиққан Ленин номидagi «Красный двигатель» заводи директори В. Абрамов, — жаҳонга маълум ва машҳур Самарқандимизнинг икки минг беш юз йиллигини кенг нишонладик. Бугун яна бир тантананинг шохиди бўлиб турибмиз. Шаҳаримиз халқ хўжалигини ривожлантиришдаги жуда катта ютуқлари, саноат маҳсулотлари етиштиришга кўпайтириш ва меҳнат уюмдорлигини оширишдаги улкан муваффақиятлар учун энг олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди. Биз бутун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Саноат корхо-

БУГУНГИ САМАРҚАНД.

А. Тўраев фотоси.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ
МОСКВАГА
ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сийёси бюроси аъдлликка қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси 6 февралда Чилидан Москвага қайтиб келди. Делегация Чили Социалистик партиясининг XXIII съезидида қатнашган эди.

Я Н Г И РЕЖАЛАР

ЖИЗЗАХ. («Совет Ўзбекистони» муҳбири). Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган беш йилликни катта ютуқлар билан яқунладилар. Область қишлоқ хўжалик ил-ғорларининг кенгашида ўтган беш йиллик натижалари чуқур таҳлил қилинди ва бу йилги вазифалар белгилан олди.

Область қишлоқ хўжалик ил-ғорлари кенгашининг қатнашчилари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1971 йилда олган социалистик мажбуриятларини бир овоздан маъқулладилар.

Сирдарё область қишлоқ хўжалик ил-ғорлари кенгашида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Курбанов, область партия комитетининг биринчи секретари Н. Ж. Худойбердиев, мусобақадор Тошкент область партия комитетининг секретари З. Хужаев ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Т. ЖАМОЛОВ.



Бунёдкорлар КПСС XXIV съезди шарафига мусобақада пойтахт-имиздаги 153-қурилиш трести 14-бошқармаси бинокорлари ўртасида пешкадамлар сафида боришлпти. Шариф Эшнуров ва Владимир Перовлар шу кунларда «Кино уйи» қурилишда фидокорона меҳнат қилишлпти.

М. Нуридинов фотоси.

«ЛУНОХОД-1» ОЙДАГИ ТЎРТИНЧИ КУН ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ

Олис космос алоқа маркази. 8 февраль. (ТАСС). «Луноход-1» автомат аппарати бошқарувчи экипаж 6 февралда яна бошқарув пульталари ёнидаги иш жойларини ишга қилди. Кўча илмий лаборатория экспериментларнинг навабдаги программасини бажаришга киришди.

21 январдан 6 февралгача давом этган ой туни даврида «Луноход-1» «Луна-17» станцияси қўнган кратерда турди. 6 февралдаги алоқа сеансида аппаратнинг борт системалари ҳолати яна текшириб кўрилди, бу системалар нормал ишлаб турганлиги маълум бўлди. Шундан кейин Қўёш батареяси очилиб, илмий аппаратлар — рентген телескопи ва радиометр ишга солинди.

7 февраль кун «Луноход» автомат аппарати билан салкам беш соат давомида радиоалоқа сеанси ўтказилди. Асосан телевизион тасвирлар маъносини тушуниш имконини ўрганиш ва Ой сатҳининг оптик хоссаларини тадқиқ қилиш мақсадида ўтказилган сеанс вақтида Ой сатҳида танлаб олинган характерли участка Қўёшга нисбатан турли бурчаклар ҳосил қилиниб, кўп мартабала телевизион суратга олинди. Шу билан бирга, курс телевизион камералари ёрдамида суратга олиш билан айни вақтда панорамали телефотометрик суратга олиш ишлари ҳам бажарилиди.

Сеанс вақтида луноход шимол томонда 323 метр йўл босди. Луноходнинг йўли 30-40 метр диаметри кратерлардан иборат бўлган денгиз типидagi юзалидан ўтди. Аппарат қийлиги 15 градусгача бўлган баъзи кратерлардан нечиб ўтди, бошқа кратерлардан айланб ўтди.

Ҳаракат сеансининг иккинчи ярида луноход катта кратер отқиндилари зонасига кирди. Шу зонада турли хажмдаги жуда кўп тошлар йўзга ташланди. Сеанс охирида Қўёшнинг кўриниши ва узйорар аппаратдан 260 метр масофада турган «Луна-17» станциясининг кўйиш босқичи суратга олинди.

Телеметрия ахбороти маълумотларига қараганда, луноходнинг борт системалари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди. Прибор бўлимасида ҳаёрат Цельсий билан 17 даража иссиқ ва босим симои устунининг 750 миллиметри белгисида турибди.

«Луноход-1» автомат аппарати Емгир денгизига илмий тадқиқотларни давом эттирмоқда.

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН ҒАЙРАТИМИЗ ЖЎШ УРМОҚДА

Утган хўжалик йилига яқун ясаб бўлдик. Пахта етиштиришни кўпайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш соҳасида бултўр қўлга киритилган ютуқларни аввалги йилда эришилган муваффақиятлар билан таққослаб чиқдик. Тафовут катта. 1969 йилда 1865 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 34 центнердан хирмон кўтардик. Давлатга 6331 тонна «оқ олтин» топширдик.

Машиналар билан ҳам 1969 йилдагидан анча кўп пахта териб олинди. Ўтган йили агрегатлар бункеридан 2100 тонна «оқ олтин» тўқилди. Бу, 1969 йилда машиналар воситаси билан териб олинган маҳсулотдан 700 тонна кўпдир. Бултўр ҳар бир агрегат бункеридан ўртача 102 тоннадан қимматбаҳо хом ашё тўқилишга эришдик. Меҳанизацияланган терим туфайли колхоз 345 минг сўм тежаб қолди. Бу эса маҳсулот таннарининг анча камайишига имкон берди. Колхоз бўйича 1 центнер пахта етиштиришга 26 сўм, аввалги йилдагидан 4 сўм кам сарфланди.

Бултўр колхозимиз пахтадан 3 миллион 800 минг сўм даромад қилди. Пахта кўпроқ юқори сифатга ўтганлиги учун ҳам даромад ана шундай баракали бўлди. Аввалги йилдагига нисбатан 900 минг сўм ортқ даромад қилинди. Колхозчиларнинг ҳар бир иш кунини авазига 3 сўм 30 тийиндан пул тақсимлаб берилаётир. Бригадалар топширган пахта-

сининг миқдори ва сифатига қараб катта-катта пул олишлпти. Топшириқни доим ошириб адо этган, ишнинг сифатини қўйил қилган колхозчиларга, ихтисоси пахтакорларга устам мукофот ҳам беришлпти. Умумий даромадининг 30 проценти бўлимас фондга қўйилди.

Пахтачиликда ўтган йили эришилган юксак натижа деҳқонларимизни бу йил ҳар қачонгидан ҳам тер тўкиб меҳнат қилишга отлангирмоқда. Шу мақсадда улар бухоролик, қашқадарлик, тошкентлик ва мирзачўллик азаматлар чақирғига жавобан янги мажбуриятлар олиб ишлашлпти. Пахтакорларимизнинг бу йилги аҳди ҳосилдорлигини анча ошириш ҳисобига пахта етиштиришни тагин ҳам кўпайтиришдир. Мўл ҳосилга ўтган йили куздан пухта замин яратила бошланди. Шулдорлаш олтин кузнинг қўлай муҳлатларида тамомланди. Ер илқи кунларда ҳайдалганлиги туфай-

пахтадан қўтилган ҳосилни олиб бўлмайдик. Ҳозир бу қаргаш оқилмоқда. Агротехника қондагига кўра шўр ювиш сувини ёппасига оқизиб йўли билан ўтказиллпти. Шўрдан тоза ерларга чуқур эгнатлар орқали яқоб беришлпти. Бу ишларда 150 сувчи қатнашмоқда.

Бошқа қишқи тадбирлар ҳам қизгин олиб боришлпти. Ремонт талаб қиладиган техника баҳорги дала ишларига тахт қилинмоқда. Ремонтчилардан Раҳман Бафоев, Омон Исмаилов, Сайфулло Қўлдошев ва бошқалар ремонтда актив қатнашлптирлар.

Шу билан бирга, колхозда ариқ-зовурларни сув радон оқадиган, зах сувларни яқин тортиб кетадиган ҳолга келтириш, маҳаллий ўғит тайёрлаш ишлари ҳам тез суръатлар билан олиб боришлпти.

Шонли юбилей йилида колхозчиларимизнинг астойдил меҳнатлари туфайли пахта етиштиришни кўпайтиришда эғалланган улкан марралар, ортирилган бой тажрибалар йўлини ойдини ақаллигини, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги қарорлари кучимизга-куч қўшаётганлигини кўрсатмоқда. Биз бу ютуқларимизни янада кўпайтирамиз.

М. АҲМЕДОВ,
Ғижувон районидagi
«Коммунизм» колхозининг
раиси.

С. ШИРИНОВ,
партия ташкилотининг сек-
ретари.

М. МАҲМУДОВ,
бош агроном.



